

тупроқлар денгиз сатҳидан 250-500 метр баландликдаги Қашқадарё дарёсининг ҳавзаси ён бағрида ва тоғ этаги ён ҳудудларида тарқалган. Оч тусли бўз тупроқлар гумусли қатлами 40-50 см. Бу ерларда гипс ва бошқа тузлар тупроқнинг 150-180 см қатламида жойлашган. Оч тусли бўз тупроқларининг асосий хусусиятларидан бири, уларда гумус миқдорининг камлиги билан характерланади.

Натижалар ва уларнинг таҳлили. Тажриба натижалари таҳлили шуни кўрсатадики назорат вариантыда 29,2 центнер ҳосил олинган ҳолда NP вариантыда 43,6 ц/га, калий қўлланилган вариантларда 48,5-56,1 центнерларга ҳосил олиниши аниқланди. Ишонарли қўшимча ҳосил N₁₈₀ P₉₀ фонида гектарига 75 кг калий қўлланилганда олиниб 52,6 центнерни ташкил этди.

Мақбул ўғитлаш вариантыда дон таркибида 33,6 % клейкавина, 15,6 % оқсил бўлиб доннинг шишасимонлиги 72,1 % ни ташкил этди

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки Қашқадарё воҳаси оч тусли бўз тупроқлар шароитида қаттиқ буғдой етиштиришда иқтисодий ва агрономик нуқтаи-назардан мақбул ўғитлаш меъёри N₁₈₀ P₉₀ K₇₅ ҳисобланар экан.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ЛАЛМИКОРЛИКНИНГ ҚИР-АДИРЛИК ВА ТОҒ ОЛДИ МИНТАҚАЛАРИДА ҚАТТИҚ БУҒДОЙ ЭКИШ МЕЪЁРЛАРИ

**У.Дўстқулов – магистратура талабаси, М.Шерназаров, З.Бобоев – талабалар,
П.Х.Бобомирзаев – доцент**

Аннотация. Мақолада Қашқадарё вилояти лалмикорликнинг нам билан ярим таъминланган қир-адирлик минтақаси ва намлик билан таъминланган тоғ олди минтақасида экиш меъёрларининг қаттиқ буғдой ўсиши, ривожланиши, дон ҳосили ва сифатига таъсири баён этилган.

Калит сўзлар: лалмикорлик, қир-адирлик минтақаси, тоғ олди минтақаси, экиш меъёри, қаттиқ буғдой, ўсиши, ривожланиши, дон ҳосили, дон сифати.

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданок ғаллачиликка хусусан буғдой етиштиришни кўпайтиришга катта эътибор бериб келинмоқда. Республикамизда лалмикор ерларда етиштирилган бошоқли дон экинлари ҳосили азалдан ички эҳтиёжни қондиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари ва кадастри Давлат қўмитасининг маълумотларига кўра, 2009 йилнинг 1 январь ҳолати бўйича республикамизнинг 6 та вилоятида жами 754000 гектар ҳайдалиб деҳқончилик қилинадиган лалми ерлар мавжуд.

Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг донга бўлган эҳтиёжи асосан суғориладиган ерларда етиштириладиган ҳосил ҳисобига қондирилмоқда. Лалмикорликда буғдой, айникса қаттиқ буғдой етиштириш, ҳосилдорликни, дон сифатини ошириш ғаллачиликдаги долзарб муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади. Жорий йилда республикамизда 200 минг гектардан ортиқ лалмикор майдонларга буғдой уруғлари, шу жумладан қаттиқ буғдой ҳам экилди.

Халқ хўжалигида қаттиқ буғдой жуда катта иқтисодий аҳамиятга эга. Қаттиқ буғдой дони бир қатор технологик хусусиятларга эга бўлиб, унинг ундан тайёрланган маҳсулотлар тўйимли ва жуда хушбўйдир, у юқори сифатли ёрма, макарон, вермишел ва бир қанча кандолат (печенье, тортлар, пряник ва бошқалар) маҳсулотларини ишлаб чиқаришда тенгсиз хомашё ҳисобланади.

Республикамиз лалмикор майдонларида ҳозирги пайтда экиш учун Давлат реестрига қаттиқ буғдойнинг Марварид, Жавоҳир ва Леукурум-3 навлари критилган. Бу навлар юмшоқ буғдой навларига нисбатан иссиққа, қирғоқчиликка, қорақуя ва занг касалликларига чидамли бўлиб, донлари пишганда тўкилиб кетмайди, лалмикор шароитда барқарор ва сифатли ҳосил беради.

Маълумки, Республика лалмикор минтақаларида етиштирилган қаттиқ буғдойнинг дон сифати суғориладиган ерларда етиштириладиган навлар дон сифатига қараганда бир мунча юқори бўлади (Мамиров, 1984).

Яқин келажакда Республика аҳолисининг янада кўпайиши муносабати билан унинг дон ва ун маҳсулотларига, оқсилга бой, экологик тоза турли хил қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган эhtiёжини қондириш муаммоларини ҳал этишда суғориладиган майдонлар билан бир қаторда лалмикор ерлардан ҳам самарали фойдаланиш муҳим долзарб аҳамиятга эга.

Ўзбекистоннинг табиий-иқлим шароити лалмикор минтақаларда қаттиқ буғдой ўстиришга жуда қулайдир. Республикамизнинг лалмикор майдонларида экиш учун қаттиқ буғдойнинг бир неча навлари яратилган бўлишига қарамай бу навларнинг экин майдонлари жуда кам ва республикамизда ривожланиб бораётган макарон-кондитер саноатининг қаттиқ буғдой донига бўлган талабини қондира олмайди. Ваҳоланки, республикамизда қаттиқ буғдойни етарли миқдорда етиштиришнинг илмий ва амалий имкониятлари мавжуд. Аммо, кейинги йилларда лалмикорликдан фойдаланиш кескин даражада камайди. Айрим йиллари об-ҳавонинг қирқоқчил келиши, деҳқончилик маданиятининг, ерлар унумдорлигининг пасайиши, навларнинг биологик хусусиятлари ҳамда тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда минерал ўғит ва экиш меъёрларининг ўрганилмаганлиги бунинг асосий сабабларидан бири ҳисобланади.

Буғдой ўстиришнинг энг муҳим технологик усули экиш меъёри бўлиб, уни оптимал меъёрдан ошириш ёки камайтириш ҳосилдорликни ҳамда буғдой етиштириш самарадорлигини пасайишига олиб келади.

Тажриба объекти ва услубияти. Тажрибаларни Қашқадарё вилоятининг Чирокчи туманида лалмикорликнинг нам билан ярим таъминланган қир-адирлик минтақасида жойлашган «Ҳасан раис» фермер хўжалигида ва Китоб туманининг лалмикорликнинг намлик билан таъминланган тоғ олди минтақасида жойлашган «Халил ўғли Шерали» фермер хўжалиги шароитларида ўтказдик. Қаттиқ буғдойнинг Марварид ва Леукурум-3 навларини қўйидаги экиш меъёрларида 2,0; 2,5; 3,0 ва 3,5 млн/га унувчан уруғ ҳисобида экиб ўргандик. Тажрибада қаттиқ буғдой уруғлари 20 октябрда экилди. Дала тажрибалари 4 такрорийликда, ҳисобга олинadиган майдончаларнинг катталиги 50 м² га тенг бўлиб, пайкалчалар икки ярусли қилиб жойлаштирилди. Буғдойнинг ўтмишдоши тоза шудгор бўлган майдонлар танлаб олинди.

Тажрибаларда ўсимлик парвариши мазкур минтақа учун қабул қилинган технологик жараёнлар асосида бажарилди.

Тажрибада ўсимликларни фенологик кузатишлар, биометрик ўлчашлар натижалари умумқабул қилинган услублар асосида ҳамда олинган натижалар В.А.Доспехов (1985) услуби бўйича математик таҳлил қилинди.

Олинган натижалар ва таҳлили. Тадқиқотларимизнинг кўрсатишича, Қашқадарё вилояти лалмикор ерларида буғдой экиш меъёрларига амал қилиш гетаридан юқори дон ҳосили олишнинг муҳим омилдир. Лалмикорликнинг намлик билан ярим таъминланган минтақаларида экиш меъёрларини гектарига 2,0 млн дан 2,5 млн. дона унувчан уруғгача ошириш қаттиқ буғдой Марварид ва Леукурум-3 навлари ўсув даврини 2-3 кунга узайтирди, ҳосилдорлиги навларга мувофиқ ҳолда 14,8 ва 12,1 центнерни ташкил қилди ёки дон ҳосили навларга мувофиқ ҳолда гектарига 4,2 ва 3,6 центнер кўпайди. Экиш меъёрини гектарига 3,0 млн. дона унувчан уруғга оширганда дон ҳосили ошишида ишонарли фарқ кузатилмади. Лалмикорликнинг намлик билан таъминланган (тоғ олди) минтақасида эса, экиш меъёрларини гектарига 2,0 млн дан 3,0 млн. дона унувчан уруғгача ошириш қаттиқ буғдой навлари ўсув даврини 3-4 кунга ўзайтирди, ҳосилдорлиги навларга мувофиқ ҳолда 16,7 ва 14,2 центнерни ташкил қилди ёки дон ҳосили навларга мувофиқ ҳолда гектарига 4,0 ва 4,5 центнерга кўпайди. Экиш меъёрини гектарига янада оширганда дон ҳосили ошишида ишонарли фарқ кузатилмади.

Дон сифат кўрсаткичларидан 1000 та дон массаси, дон натураси ва шишасимонлиги, дон таркибидаги оксил ва клейковина миқдори сақланишини экиш меёрларини ошириш билан камайиши кузатилди.

Экиш меёрини гектарига 2,0 млн дан 3,0 млн. дон унувчан уруғгача ошиб бориши билан гектар ҳисобига олинadиган оксил ва клейковина миқдори ҳам ошиб борди. Экиш меёрини гектарига 2,0 млн. дон унувчан уруғдан 3,0 млн. дон унувчан уруғгача ошиши билан Марварид ва Леукурум-3 навларида бир гектардан оксилнинг чиқишини ҳам мувофиқ ҳолда оширди.

Хулосалар. Экиш меёрларини белгилашда навларининг биологик хусусиятлари, тупроқ иқлим шароити, қўлланиладиган ўғит меёри, нам билан таминланганлик даражаси ва бошқа омиллар ҳисобга олинади. Бугдой ўстиришнинг энг муҳим технологик усули экиш меёри бўлиб, уни оптимал меёрдан ошириш ёки камайтириш ҳосилдорликни ҳамда бугдой етиштириш самарадорлигини пасайишига олиб келади.

Қашқадарё вилоятининг намлик билан ярим таъминланган қир-адирлик минтақаси шароитида каттиқ бугдойнинг Марварид ва Леукурум-3 навларининг мақбул экиш меёри гектарига 2,5 млн. дон унувчан ва намлик билан таъминланган тоғ олди минтақасида гектарига 3,0 млн. дон унувчан уруғ эканлиги аниқланди. Экиш меёрини кўрсатилган меёрдан камайтириш ёки ошириш ҳам дон ҳосилининг камайишини кузатиш мумкин.

Демак, лалмикорликда намлик билан таъминланганлик даражасининг ошиши билан экиш меёри гектарига 2,5 млн. дон унувчан уруғдан 3,0 млн. дон унувчан уруғгача ошириш лозим.

СОЯ - ИСТИҚБОЛЛИ ЭКИН

Н.Қўлиев – магистратура талабаси, Н.Равшанова – катта ўқитувчи

Республикаимизнинг суғориладиган ерларидан самарали фойдаланиш, бир йилда икки ҳосил олиб тупроқ унумдорлигини ошириш, тупроқда биологик азот фиксациясини ошириб бир гектар майдондан олинadиган маҳсулотни кам энергия ва ресурслар сарфлаб таннархи паст биологик тоза маҳсулот олиш, аҳолини ўсимлик мойи ҳамда оксилга бўлган талабини қондириш ҳозирги кунда деҳқончиликдаги энг долзарб муаммолардан биридир.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалик ходимлари олдида турган бош масала-аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда саноатни хом ашё билан тўла тўқис таъминлашдан иборат. Маълумки, инсон истеъмол қиладиган озиқ - овқат маҳсулотларида оксилни етарли бўлиши муҳим рол ўйнайди. Олимларнинг маълумотларига кўра, инсон бир суткада истеъмол қиладиган овқат маҳсулотлари калориясининг 12 % ни ёки 90-100 граммини оксил ташкил этиши керак.

Ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич 90-95 грамга, эндигина тараққий этиб келаётган мамлакатларда эса 20-25 грамга тўғри келади. Айниқса, ҳайвон оксигига бўлган талаб жуда катта, ер юзи бўйича ҳайвон оксиги ишлаб чиқариш талабга нисбатан 4 марта камдир. Оксилга бўлган талаб тухтовсиз ошиши натижасида жаҳон бозорида унинг баҳоси ортиб бормоқда. Шунинг учун ҳам ўсимлик ва ҳайвон оксиги етиштириш ва кишиларни таъминлаш асосий масала бўлиб, оксил энг муҳим стратегик маҳсулотга айланиб бормоқда. Чорва моларининг маҳсулдорлигини ошириш учун уларни рационда кўрсатилган озиқ моддалар билан таъминлаш зарур. Маълумки 1 килограмм ҳайвон оксиги олиш учун ўртача 7.5 килограмм ўсимлик оксиги сарфланади. Зоотехника қоидаларига асосан бир озиқ бирлиги таркибида 110 -115 грам протеин бўлиши керак. Аммо ҳозир биз нормадагидан 20% кам оксиги бўлган озиқ бераёмиз. Ҳайвонлар рационда қиш кунлари озиқ бирликларида оксил миқдори 80 грамдан ҳам камайиб кетади. Шунинг учун таркибида оксил миқдори кўп бўлган дуккакли экинларни, жумладан, ўзида юкори миқдорда оксил сақлайдиган соя ўсимлигини кўплаб экишда эътиборни қаратиш зарур. Соя донининг 1 килограммида 275 грам ҳазм бўладиган оксил бор. Ҳеч қайси ўсимлик ўзининг оксилга бойлиги, тўйимлилиги билан